ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКОВ ДИЛШОД КАМОЛОВИЧ

УЧИНЧИ ТАРТИБЛИ ЮКЛАНГАН ПСЕВДОПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОЛОКАЛ МАСАЛАЛАР

01.01.02-Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 517.956.2; 517.956.6

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛИКОВ ДИЛШОД КАМОЛОВИЧ

УЧИНЧИ ТАРТИБЛИ ЮКЛАНГАН ПСЕВДОПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН НОЛОКАЛ МАСАЛАЛАР

01.01.02-Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM13 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz) ва "Ziyonet" таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Зикиров Обиджан Салижанович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Джамалов Сирожиддин Зухриддинович физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 4 » август соат 1100 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-53-21, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail:nauka@nuu. uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйҳатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил « 29 » июль куни тарқатилди.

(2020 йил « ___ » __________даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.ф.д (PhD)

Ш.А.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида математика соҳасида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар ечими шуни кўрсатадики, кўплаб жараёнларнинг математик модели хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар хусусан, иккинчи ва учинчи тартибли ҳусусий ҳосилали юкланган тенгламалар учун ностандарт кўринишдаги бошланғич-чегаравий, тўғри ва тескари масалаларни тадқиқ қилишга олиб келади. Бундай масалалар устида тадқиқот олиб бориш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жихатдан муҳим аҳамият ҳам касб этади. Шу жумладан учинчи тартибли псевдопараболик типдаги тенгламалар ҳам ана шундай тенгламалардан бири бўлиб, у кўплаб физик, механик, биологик ва химик жараёнлар билан боғлиқ муаммолар ушбу тенгламалар билан боғланади. Масалан, тупроқ ғовак қатламидаги суюқлик фильтрацияси, гетероген қатламлардаги иссиқлик узатилиши, тупроқ қатламларида суюқликнинг харакати каби жараёнлар учинчи тартибли псевдопараболик типдаги тенгламалар билан ифодаланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда нолокал бошланғич-чегаравий масалалар математик физиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳосибланади. Бошланғич-чегаравий нолокал масалаларни тадқиқ қилиш математик физиканинг коррект қўйилган муаммолари билан чамбарчас боғлиқ, шунинг учун бундай масалаларнинг корректлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги пайтларда тупроқ қатламидаги суюқлик фильтрацияси, гетероген қатламлардаги иссиқлик узатилиши, тупроқ қатламларида суюқликнинг ҳаракати жараёнларини ўрганиш ва унинг хусусиятларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада, учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун нолокал чегаравий муаммоларини ўрганиш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий амалий тадбиқларига эга бўлган дифференциал тенгламалар ва математик физиканинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, псевдопараболик типдаги тенгламаларни интенсив ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишни ривожланиши натижасида математик физика, механика, биология ва иқти содиёт масалаларидан келиб чиқувчи дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. “Функционал анализ, динамик тизимлар назарияси, дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари ва математик моделлаштириш” фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Қарор[1] ижросини таъминлаш мақсадида ноклассик тенгламалар назариясини ривожлантириш, бундай

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 292-сонли қарори

тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар қўйиш ва уларни тадқиқ этишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682 сонли “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сонли “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 9 июлдаги № ПҚ-4387 “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ЎзР ФА В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятга тегишли бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда нолокал чегаравий масалалар бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, учинчи тартибли тенгламалар устидаги биринчи тадқиқотлар Д.Адамарнинг XX асрнинг 30-йилларида чоп қилинган фундаментал ишлардан бошланган. Г.И.Баренблатт, Ю.П.Желтов ва И.Н.Кочина ишида ғовак муҳитларда ёпишқоқ суюқликларнинг ностационар фильтрлаш жараёнининг математик модели биринчи бўлиб чизиқли псевдопараболик тенгламага келтирилган. Бу эса тоқ тартибли тенгламаларга бўлган қизиқишни янада оширди. Кейинги тадқиқотларда хусусий ҳосилали учинчи ва ундан юқори тартибли тенгламалар учун маълум классик масалалар билан бир қаторда янги чегаравий масалалар ўрганишда катта натижаларга эришилган. Бундай тенгламалар хусусий ҳосилали тенгламалар назариясининг асосий бўлимларидан бири бўлиб қолди. Бу соҳада бир қатор муаллифлар А.В.Бицадзе, Т.Д.Джураев, М.С.Салохитдинов, А.М. Нахушев, В.Н. Врагов, А.И. Кожанов, В.И. Корзюк, А.Г.Свешников, М.О. Корпусов ва бошқалар томонидан фундаментал натижаларга эришилган.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларнинг бошида қаралаётган тенгламалар учун асосий масалаларни ўрганиш чоғида янги синфдаги масалаларни қўйишга қизиқиш янада ортиб борди. Бу масалалар кўплаб амалий муам-моларни ечишда нолокал масалалар номини олди. А.В.Бицадзе, А.А.Самарский ва А.А.Самарскийнинг эллиптик ва параболик тенгламалар учун нолокал чегаравий шартли янги масалаларига бағишланган ишлари чоп этилгандан сўнг нолокал масалаларга бўлган қизиқиш янада кучайди. Табиийки, бундай масалалар кўплаб математиклар эътиборини ўзига тортди. Таъкидлаш жоизки, математик физиканинг турли типдаги тенгламалари учун нолокал масалалар Т.Д.Джураев, О.М.Джохадзе, А.И.Жегалов, А.Н.Миронов, А.И.Кожанов, Л.С.Пулькина, Н.Л.Лажетич, М.С.Салохиддинов А.П.Солдатов, М.Х.Шхануков ва уларнинг шогирдлари изланишлар олиб борганлар. Ҳозирги кунда нолокал чегаравий масалалар орасида интеграл шартли масалаларга қизиқиш ортиб бормоқда. Биринчи бўлиб бундай масалалар J.R.Canon (1963) томонидан иссиқлик тарқалиш тенгламаси учун қаралган. Охирги йилларда эса турли типдаги тенгламалари учун интеграл шартли чегаравий масалалар Н.И.Ионкина, А.И.Кожанов, Я.Т.Мегралиев, Н.С.Попов, Л.С.Пулькина ва унинг ўқувчилари, L.A.Bougoffa, A.Bouziani, D.-Q. Dai, Y. Huang, J. Jachimaviciene, M.Sapagovas, O.M.Jokhadze, N.X.Ting ва бошқа кўплаб авторлар томонидан кенг ўрганилиб келинмоқда.

Илмий адабиётларда А.М.Нахушев томонидан киритилган юкланган тенгламаларнинг таърифи қабул қилинган. Унинг илмий ишларида юкланган дифференциал, интеграл ва функционал тенгламаларнинг таърифи ва уларнинг тўла классификацияси берилган ҳамда юкланган тенгламаларнинг тадбиқлари баён қилинган. Бундай тенгламалар А.И.Кожанов, А.М.Нахушев, М.Х.Шхануков, М.Т.Женалиев, А.И.Жегалов, А.А.Алиханов ва бошқа кўплаб математикларнинг тадқиқот мавзуси бўлди. Иккинчи тартибли юкланган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий ва тескари масалалар М.Т.Дженалиев, М.И.Рамазанов, С.З.Джамалов, Д.К.Дурдиев, Б.Исломов ва бошқа олимлар шуғулланишган. Диссертациянинг мавзусига яқин тадқиқотлар, яъни чизиқли псевдо-параболик тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар М.Х.Шхануков, В.А.Вадахова, М.Х.Бештоков, А.Ф.Напсо, А.И.Кожанов, В.З.Канчукоев, Н.С.Папов, D.Colton, D.-Q.Dai ва бошқаларнинг ишларида учрайди. Ҳозирги кунда республикамизда тоқ тартибли тенгламалар учун нолокалш ва интеграл шартли масалаларга етарлича эътибор қаратилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг Ф-4-65 "Спектрал параметрли сингуляр коэффициентли қўшма типдаги тенгламалар назарияси" (2008-2012 йиллар), №MRU-OT-1/2017 «Нелокальные краевые и обратные задачи для неклассических дифференциальных и операторно-дифференциальных уравнений»(2018-2019 йиллар) мавзусидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими С.Л.Соболев номидаги Математика институтлари ҳамкорлигидаги давлатлараро илмий тадқиқот лойиҳаси хамда №ОТ-Ф-4-(36+32) “Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли хусусий ҳосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари” (2018-2021 йиллар) мавзудаги илмий тадқиқот лойихалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади учинчи тартибли юкланган псевдопараболик типдаги тенгламалар учун нолокал бошланғич-чегаравий масалаларни қўйиш ҳамда масалалар ечимининг мавжудлик, ягоналик ва турғунлик муаммоларини исботлашдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

умумий учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун Риман функциясининг аналогини қуриш ва унинг хоссаларини исботлаш;

тенгламанинг кичик ҳосилалари олдидаги коэффициентнинг қаралаётган масаланинг корректлигига таъсирини аниқлаш;

учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун қўйилган нолокал масалаланинг бир қийматли ечилишини исботлаш;

аралаш хосила қатнашган учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун қўйилган нолокал масалаларнинг бир қийматли ечилиши учун зарур шартларни топиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида учинчи тартибли ҳусусий хосилали юкланган псевдопараболик тенгламалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети учинчи тартибли ҳусусий хосилали юкланган псевдопараболик типдаги тенгламалар учун нолокал бошланғич-чегаравий масалаларни ечишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, дифференциал тенгламалар ва математик физиканинг Риман усули, интеграл тенгламалар назарияси, интеграл айниятлар, кетма-кет яқинлашиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юкланган учинчи тартибли псевдопараболик типдаги тенгламалар учун янги нолокал бошланғич-чегаравий шартли масалалар қўйилган ва ечилган;

учинчи тартибли псевдопараболик тенглама учун Риман функциясининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун қўйилган бошланғич-чегаравий масалалар регуляр ечимининг интеграл ифодаси қурилган;

юкланган учинчи тартибли псевдопараболик типдаги тенгламалар учун қўйилган нолокал бошланғич-чегаравий масалаларнинг регуляр ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган;

учинчи тартибли юкланган умумий псевдопараболик типдаги тенгламалар учун интеграл шартли масалаларнинг регуляр ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳар қандай чизиқли учинчи тартибли псевдопараболик тенгламалар учун локал ва нолокал бошланғич-чегаравий масалалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини тадқиқ қилишда қўлланилган;

ҳосил қилинган аналитик ечимлардан ғовак ва ёпишқоқ суюқликдаги ностационар фильтрланишида, тупроқдаги намликнинг харакатланиш жараёнида ва бошқа физик жараёнларнинг математик моделини ўрганишда кенг қўлланилиши мумкин эканлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун нолокал чегаравий масалалар ечимининг ягоналиги, мавжудлиги ва уларнинг турғунлигини исбот қилишда математик ва функционал анализ, дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари, интеграл тенгламалар назарияларининг фундаментал усулларини қўллаш ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу илмий тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти учинчи тартибли юкланган псевдопараболик типдаги тенгламалар учун қўйилган нолокал бошланғич-чегаравий масалалар ечимларининг бир қийматлилиги, мавжуд ва ягоналигини исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўплаб амалий масалалар ва уларнинг тадбиқлар ҳусусий хосилали учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар билан ифодаланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Учинчи тартибли **ю**кланган псевдопараболик тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларга оид олинган натижалар қуйидаги лойиҳаларда жорий қилинган:

ҳусусий хосилали учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун нолокал масалалар аниқ кўринишдаги ечимини мавжудлиги 0018РК00149 рақам билан давлат рўйхатидан ўтган "Ахборот, телеком-муникация ва космик технологиялар, табиий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқотлар" бюджет дастурининг "Табиий фанлар бўйича илмий тадқиқотлар. Математика, физика ва астрономия соҳасидаги математик ва компютер моделлаштириш. Амалий тадқиқотлар" устивор йўналишидаги 2018-2020 йиларга мўлжалланган АР 05132680 рақамли "Катта ўлчамдаги ғовакли муҳитдаги оқимларнинг нолокал моделлари" мавзусидаги ҳорижий лойихада псевдопараболик тенгламалар учун нолокал масалалар ечимининг қуришда фойдаланилган. (Ахборот ва ҳисоблаш технологиялари институти, 2019 йил 19-ноябрдаги 01-07/780-сонли маълумотнома, Қозоғистон). Диссертация натижалари ўрганилаётган масалаларларнинг ечимининг аниқ ифодасини топиш имконини берган;

учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар билан ифодаланадиган нолокал чегаравий масалаларининг ечимлари мавжудлиги ҳақидаги теоремалар асосида Витус Беринг номидаги Камчатка давлат университети Физика-математика, ахборот технологиялари ва табиий фанлар Илмий-тадқиқот институтининг "Касрли ҳисоблашлар ва уларнинг тадбиқлари" лабораторияси доирасидаги МК-1152.2018.1 рақамли РФ гранти ва №АААА-А17-117031050058-9 рақамли “Тебранишлар жараёнида каср тартибли ҳосилаларни қўлланиши” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнида даражали хотирали фрактал осцилаторларнинг кенг синфи учун қўйилган масалаларнинг сонли усули ишлаб чиқилган (Витус Беринг номидаги Камчатка давлат университети, 2019 йил 26-июндаги 372-22-сонли маълумотнома, Россия). Диссертациядаги учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун бошланғич-чегаравий масалалар, хусусан интеграл ва А.М.Нахушев шартли масалалар натижалари ёрдамида тадқиқотда қўйилган масалалар ечимини интеграл тенгламаларга келтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 16 та халқаро ва 2 та республика миқёсдаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйҳатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ушбу диссертация иши учинчи тартибли қуйидаги юкланган псевдопараболик тенгламанинг $k(x,t)$ ва коэффициентларнинг турли хил қийматларида учун янги нолокал чегаравий масалаларининг тадқиқ қилишга бағишланган

$$Mu \equiv Lu + \int_0^l k(x,t)u(x,t)dx = f(x,t),$$

бу ерда $Lu \equiv u_{xxt} + d(x,t)u_t + a(x,t)u_{xx} + b(x,t)u_{xt} + c(x,t)u_x + e(x,t)u$ – псевдопараболик оператор, $k(x,t)$ ва $f(x,t)$ – берилган функция.

Кириш қисмида диссертация ишини мавзусининг долзарлиги, ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, тадқиқот мавзусига оид нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Псевдопараболик тенгламалар ва чегаравий масалаларнинг корректлиги»** деб номланувчи биринчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда учинчи тартибли хусусий хосилали дифференциал тенгламаларга келадиган баъзи масалалар ва учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун баъзи чегаравий масалалар ўрганилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида учинчи тартибли чизиқли псевдопараболик тенглама учун Гурса масаласининг интеграл тенглама орқали олинган аниқ ечими ёрдамида Риман функцияси қурилган.

Учинчи параграф юкланган умумлашган Аллер тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масаланинг корректлик масаласининг тадқиқ қилишга бағишланган. Қаралаётган масала корректлигида тенгламада қатнашган кичик тартибли вақт бўйича хосилани таъсири кўрсатилган.

Учинчи параграфда қуйидаги хусусий хосилали учингчи тартибли юкланган тенгламалар учун $D=\{(x,t):0<x<l,\, 0<t<T\}$ тўғри тўртбурчак соҳада бошланғич-чегаравий масалар қаралган

$$Lu = f(x,t)+\frac{\partial}{\partial t}\int\limits_{\alpha}^{\beta} u(x,t)dx, \qquad (1)$$

бу ерда $Lu \equiv u_{xxt}+d(x,t)u_t+a(x,t)u_{xx}+b(x,t)u_x+c(x,t)u$ – умумлашган Аллер оператори, $\alpha,\ \beta$ – берилган доимийлар бўлиб, улар учун $0\le\alpha<\beta\le l.$

Таъриф 1. (1) тенгламанинг регуляр ечими деб, тенгламани тўғри маънода қаноатлантирувчи ва D соҳада керакли тартибдаги узлуксиз барча хосилаларга эга $u(x,t)$ ҳақиқий функцияга айтилади.

Масала 1. (1) тенгламанинг D соҳадаги, қуйидаги бошланғич шарт

$$u(x,0)=\varphi(x), \quad 0\le x\le l, \qquad (2)$$

ва ушбу чегаравий шартларни

$$u(0,t)=\psi_1(t), \quad u(l,t)=\psi_2(t), \quad 0\le t\le T, \qquad (3)$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\varphi(x),\ \psi_1(t),$ $\psi_2(t)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\psi_1(0), \quad \varphi(l)=\psi_2(0).$$

Масала 2. (1) тенгламанинг D соҳадаги, (2) бошланғич шартни ва қуйидаги чегаравий шартларни

$$u(0,t)=\psi_1(t) \quad u_x(l,t)=\nu_2(t) \quad 0\le t\le T, \qquad (4)$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\varphi(x),\ \psi_1(t),$ $\psi_2(t)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\psi_1(0), \quad \varphi'(l)=\nu_2(0).$$

D соҳада ўзининг $\dfrac{\partial^{i+j}u}{\partial x^i\partial t^j}, 0\le i\le m,\ \ 0\le j\le n$ хусусий хосилалари билан узлуксиз функциялар синфини $C^{m,n}(D), m=1,2,..., n=1,2,...$ орқали белгилаймиз ва $C^{0,0}(D)=C(D).$

Қаралаётган масалани $\|u\|_{\overset{\circ}{C}{}^{2,1}_{\varkappa}(D)}=\sum\limits_{i=0}^{2}\sum\limits_{j=0}^{1}\left\|\dfrac{\partial^{i+j}u(x,t)}{\partial x^i\partial t^j}\right\|_{\overset{\circ}{C}_{\varkappa}(D)}$ норма билан аниқланган, Банах фазосидаги қуйидаги функциялар синфида қараймиз.

$$\overset{\circ}{C}{}^{2,1}_{\varkappa}(\overline{D})=\left\{u:\frac{\partial^{i+j}u(x,t)}{\partial x^i\partial t^j}\in\overset{\circ}{C}_{\varkappa}(\overline{D}),\ i=0,1,2;\ \ j=0,1\right\}.$$

1 масаланинг ечимини $\overset{\circ}{C}{}^{2,1}_{\varkappa}(\overline{D})$ фазосида излаймиз ва бунинг учун қуйидаги шартлар ўринли бўлсин:

Шарт 1. (1) тенгламанинг коэффициентлари барча $(x,t)\in D$ ларда $a(x,t)\in C^{2,0}(\overline{D});\ b(x,t)\in C^{1,0}(\overline{D});\quad d(x,t)\in C^{0,1}(\overline{D});\ c(x,t)\in C(\overline{D})$ шартларни қаноатлантирсин. Бундан ташқари барча $(x,t)\in D$ ларда $d(x,t)<0$ бўлсин.

Шарт 2. Берилган $\varphi(x),\ \psi_1(t),\ \psi_2(t)$ ва $f(x,t)$ функциялар барча $(x,t)\in D$ ларда $\varphi(x)\in \overset{\circ}{C}_{\varkappa}[0,l];\ \psi_1(t),\ \psi_2(t)\in \overset{\circ}{C}_{\varkappa}[0,T]$ ва $f(x,t)\in \overset{\circ}{C}_{\varkappa}(\overline{D})$ шартларини қаноатлантирсин.

У холда биринчи бошланғич-чегаравий 1 масаланинг бир қийматли ечимга эга бўлиши учун қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 1. (1) тенгламанинг коэффициеннтлари шарт 1ни, берилган функциялари эса $f(x,t)\in C(\overline{D}),\ \varphi(x)\in C^1[0,l]\cap C^2(0,l),\ \psi_1(t),\psi_2(t)\in C^1[0,T]$ қаноатлантирсин. У ҳолда 1 масаланинг D соҳада регуляр ечими мавжуд ва ягона бўлади.

Юкланган умумлашган Аллер тенгламаси учун бошланғич-чегаравий масала ва учинчи тартибли псевдопараболик тенглама учун қаралган Гурса масаласи учун Риман функцияси аналоги қурилган.

Қаралган бошланғич-чегаравий масала ечимининг мавжудлиги интеграл тенгламалар системаси ва юкланган интеграл тенгламаларга келтирилиб исботланган.

1 теоремадаги (1) тенгламанинг вақт бўйича биринчи тартибли хосиласи олдидаги коэффициент учун $d(x,t)<0$ шарт муҳимдир. Агар (1) тенгламанинг ушбу коэффициенти учун юқоридаги шарт бузилса, у холда 1 масала қўйилган нокоррект бўлади. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин.

Мисол 1. Кўришимиз мумкинки, $D=\{(x,t):0<x<\pi,0<t<T\}$ соҳада $u(x,t)=t\sin(2kx)$ функция қуйидаги

$$u_{xxt}+(2k)^2u_t=\frac{\partial}{\partial t}\int_0^{\pi}u(x,t)dx,$$

тенгламани

$$u(x,0)=0,\quad 0\le x\le\pi,$$

бошланғич шартни ва

$$u(0,t)=0,\qquad u(\pi,t)=0,\quad 0\le t\le T,$$

бир жинсли чегаравий шартларни қаноатлантиради.

Бошланғич-чегаравий 2 масаланинг ечимининг мавжуд ва ягоналиги ҳам худди шу каби кўрсатилади.

Диссертацияни «**Юкланган умумлашаган Аллер тенгламаси учун чегаравий масалалар»** деб номланувчи иккинчи боби юкланган умумлашган Аллер тенгламаси ва юкланган учинчи тартибли псевдопараболик тенглама учун тўғри тўртбурчак соҳада интеграл шартли, Бицадзе–Самарский ва Самарского-Ионкин шартларига ўхшаш нолокал бошланғич-чегаравий масалаларни бир қийматли ечиш масалаларига бағишланган.

Диссертацияни иккинчи бобининг биринчи параграфида юкланган учинчи тартибли ҳусусий хосилали тенглама (умумлашган Аллер тенгламаси) учун баъзи нолокал чегаравий масалалар ўрганилган.

Тўғри тўртбурчак $D=\{(x,t):0<x<l, 0<t<T\}$ соҳада қуйидаги юкланган учинчи тартибли тенглама қаралган

$$\frac{\partial^3 u}{\partial x^2 \partial t}+a\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}=b\frac{\partial}{\partial t}\int_\alpha^\beta u(x,t)dx, \tag{5}$$

бу ерда a, b, α ва β – берилган доимийлар бўлиб, улар учун $a\neq 0$ ва $0\leq\alpha<\beta\leq l$ шартлар ўринли.

(5) тенглама учун қуйидаги нолокал бошланғич чегаравий масалалар ўрганилган.

Масала 3. (5) тенгламанинг D соҳадаги, қуйидаги бошланғич шарт

$$u(x,0)=\varphi(x), \quad 0\leq x\leq l, \tag{6}$$

ва ушбу чегаравий шартларни

$$u(0,t)=\lambda u(l,t)+\psi_1(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{7}$$

$$u_x(0,t)=\psi_2(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{8}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\lambda=const$ ва $\varphi(x)$, $\psi_1(t)$, $\psi_2(t)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\lambda\varphi(l)+\psi_1(0), \quad \varphi'(0)=\psi_2(0).$$

Масала 4. (5) тенгламанинг D соҳада, (6) бошланғич шартни ва ушбу чегаравий шартларни

$$u(0,t)=\psi_1(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{9}$$

$$u_x(0,t)=\mu u_x(l,t)+\psi_2(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{10}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\mu=const$ ва $\varphi(x)$, $\psi_1(t)$, $\psi_2(t)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\psi_1(0), \quad \varphi'(0)=\mu\varphi'(l)+\psi_2(0).$$

Масала 5. (5) тенгламанинг D соҳада, (6) бошланғич шартни ва ушбу чегаравий шартларни

$$u(0,t)=\lambda_1 u(l,t)+\psi_1(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{11}$$

$$u_x(0,t)=\lambda_2 u_x(l,t)+\psi_2(t), \qquad 0\leq t\leq T, \tag{12}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\lambda_i=const$ ва $\varphi(x)$, $\psi_i(t)$, $(i=1,2)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\lambda_1\varphi(l)+\psi_1(0), \quad \varphi'(0)=\lambda_2\varphi'(l)+\psi_2(0).$$

3 масаланинг бир қийматли ечимга эга бўлиши учун қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 2. Агар $\varphi(x)\in C^1[0,l]\cap C^2(0,l)$, $\psi_1(t)\in C^2[0,T]$, $\psi_2(t)\in C^1[0,T]$ ва $\lambda<1$ бўлса, у ҳолда нолокал масала 3 нинг ечими мавжуд ва у ягона бўлади.

4 ва 5 нолокал масалаларнинг натижалари хам худди шундай кўрсатилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун интеграл шартли аралаш масалани тадқиқ қилишга бағишланган.

$D=\{(x,t):0<x<l,0<t<T\}$ соҳада қуйидаги хусусий ҳосилали учинчи тартибли тенглама қаралган

$$Mu\equiv Lu+\int_0^l k(x,t)u(x,t)dx=f(x,t), \tag{13}$$

бу ерда $Lu\equiv u_{xxt}+d(x,t)u_t+a(x,t)u_{xx}+b(x,t)u_x+c(x,t)u$ – псевдопараболик оператор, $k(x,t)$ ва $f(x,t)$ эса берилган функциялар.

Аралаш масала. (13) тенгламанинг D соҳадаги, қуйидаги бошланғич шарт

$$u(x,0)=\varphi(x),\quad 0\le x\le l, \tag{14}$$

ва ушбу нолокал интеграл чегаравий шартни

$$u(0,t)=\lambda(t)u(l,t)+\int_0^t h(t,\tau)u(l,\tau)d\tau,\quad 0\le t\le T, \tag{15}$$

ва қуйидаги Нейман шартини

$$u_x(0,t)=\mu_2(t),\qquad 0\le t\le T, \tag{16}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\varphi(x)$, $\mu_2(t)$, $\lambda(t)$ ва $h(t,\tau)$ – берилган функциялар бўлиб, улар мос равишда $[0,l]$ ва $[0,T]$, $0\le\tau\le t$ кесмаларда узлуксиз. Бундан ташқари берилган функциялар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\lambda(0)\varphi(l),\quad \varphi'(0)=\mu_2(0).$$

(13)–(16) аралаш масала ечими $C^{2,1}(D)\cap C^{1,0}(\overline{D})$ функциялар синфида тадқиқ қилинади ва бунинг учун қуйидаги шартлар ўринли бўлсин:

Шарт 3. Барча $(x,t)\in D$ ларда (13)тенгламанинг коэффициентлари учун $a(x,t)\in C^{1,0}(\overline{D})\cap C^{2,0}(D)$; $b(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{1,0}(D)$; $c(x,t)\in C(\overline{D})$;

$d(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{0,1}(D)$ шартлар ўринли ва бундан ташқари барча $(x,t)\in\overline{D}$ ларда $d(x,t)<0$ бўлсин.

Шарт 4. Берилган $\varphi(x)$, $\lambda(t)$, $h(\tau,t)$, $k(x,t)$, ва $f(x,t)$ функциялар ушбу $\varphi(x)\in C^1[0,l]\cap C^2(0,l)$; $\lambda(t)$, $h(\tau,t)\in C[0,T]$; $\mu_2(t)\in C^1[0,T]$; $f(x,t)$, $k(x,t)\in C(\overline{D})$ шартларни қаноатлантирсин.

Аралаш масала ечимга эга бўлиши учун қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 3. Агар 3 ва 4 шартлар бажарилса, у холда аралаш масаланинг ягона ечими мавжуд бўлади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида нолокал масалаларнинг ечимининг интеграл тенгламалар системасига келтириш масаласи қаралган.

Нолокал масала 1. (13) тенгламанинг D соҳада, (14) бошланғич шартни ва қуйидаги чегаравий шартларни

$$u_x(0,t)=\alpha_1(t)u(0,t)+\alpha_2(t)u(l,t),\quad 0\le t\le T, \tag{17}$$

$$u_x(l,t)=\beta_1(t)u(0,t)+\beta_2(t)u(l,t),\quad 0\le t\le T, \tag{18}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\varphi(x),\ \alpha_i(t),\ \beta_i(t)$ $(i=1,2)$ – берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi'(0)=\alpha_1(0)\varphi(0)+\alpha_2(0)\varphi(l),\quad \varphi'(l)=\beta_1(0)\varphi(0)+\beta_2(0)\varphi(l).$$

1 нолокал масала ечими $C^{2,1}(D)\bigcap C^{1,0}(\overline{D})$ функциялар синфида тадқиқ қилинади, бунинг учун 3 шарт ўринли ва яна қуйидаги шарт олинган:

Шарт 5. Берилган функциялар $f(x,t),\ k(x,t)\in C(\overline{D})$,

$\varphi(x)\in C^1[0,l]\cap C^2(0,l);\ \alpha_1(t),\ \alpha_2(t),\ \beta_1(t),\ \beta_2(t)\in C^1[0,T]$ и $\alpha_2(t)\ne 0,\beta_2(t)\ne 0$ шартларни қаноатлантирсин.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 4. Агар 3 ва 5 шартлар бажарилса, у холда 1 нолокал масаланинг D соҳадаги ечими мавжуд ва ягона бўлади.

1 нолокал масала ечимининг мавжудлик ва ягоналигини исботлаш учун (13) тенглама учун (14) бошланғич шарт ва (4) чегаравий шартлар билан ёрдамчи бўлган Гурса масаласи ечилган.

Диссертацияни «**Юкланган учинчи тартибли тенглама учун ноклассик масалалар»** деб номланувчи учинчи бобида юкланган учинчи тартибли умумий чизиқли псевдопараболик тенглама учун ноклассик чегаравий масалалар ўрганилган. Ўзгарувчан коэффициентли учинчи тартибли умумий чизиқли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун Риман функцияси аналоги қурилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида учинчи татибли юкланган псевдопараболик тенглама учун А.М.Нахушев шартли нолокал масалани бир қийматли ечиш ўрганилган. Қаралаётган масаланинг регуляр ечимини мавжудлик ва ягоналиги исботланган.

$D=\{(x,t):0<x<l,0<t<T\}$ соҳада қуйидаги ҳусусий хосилали учинчи тартибли тенглама қаралган

$$Mu\equiv Lu+\int_0^l k(x,t)u(x,t)dx=f(x,t), \tag{19}$$

бу ерда $Lu\equiv u_{xxt}+d(x,t)u_t+a(x,t)u_{xx}+b(x,t)u_x+c(x,t)u$ – псевдопараболик оператор, $k(x,t)$ ва $f(x,t)$ лар эса берилган функциялар.

Нолокал масала 2. (19) тенгламанинг D соҳадаги, қуйидаги бошланғич шарт

$$u(x,0)=\varphi(x),\quad 0\le x\le l, \tag{20}$$

ва ушбу нолокал чегаравий шарт

$$u(0,t)=\sum_{k=1}^{n}\alpha_k(t)u(x_k,t)+\psi_1(t),\ 0\le t\le T, \qquad (21)$$

ва қуйидаги Нейман шартини

$$u_x(0,t)=\psi_2(t), \qquad 0\le t\le T, \qquad (22)$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда x_k – ихтиёрий фиксирланган нуқталар бўлиб, улар учун $0\le x_1<x_2<...<x_n=l$ ўринли ва $\varphi(x),\ \psi_1(t),\ \psi_2(t),\ \alpha_k(t)$ –берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\sum_{k=1}^{n}\alpha_k(0)\varphi(x_k)+\psi_1(0), \quad \varphi'(0)=\psi_2(0).$$

Нолокал масала 3. (19) тенгламанинг D соҳадаги, (20) бошланғич шартни ва Дирихле шарти

$$u(0,t)=\psi_1(t),\ 0\le t\le T, \qquad (23)$$

ва қуйидаги нолокал шартни

$$u_x(0,t)=\sum_{k=1}^{n}\beta_k(t)u_x(x_k,t)+\psi_2(t),\ 0\le t\le T, \qquad (24)$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда x_k – ихтиёрий фиксирланган нуқталар бўлиб, улар учун $0\le x_1<x_2<...<x_n=l$ ўринли ва $\varphi(x),\ \psi_1(t),\ \psi_2(t),\ \beta_k(t)$ –берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\psi_1(0),\ \varphi'(0)=\sum_{k=1}^{n}\beta_k(0)\varphi'(x_k)+\psi_2(0).$$

Нолокал масала 4. (19) тенгламанинг D соҳадаги, (20) бошланғич шарт ва қуйидаги нолокал шартлар

$$u(0,t)=\sum_{k=1}^{n}\alpha_k(t)u(x_k,t)+\psi_1(t),\ 0\le t\le T, \qquad (25)$$

$$u_x(0,t)=\sum_{k=1}^{n}\beta_k(t)u_x(x_k,t)+\psi_2(t),\ 0\le t\le T, \qquad (26)$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда x_k – ихтиёрий фиксирланган нуқталар бўлиб, улар учун $0\le x_1<x_2<...<x_n=l$ ўринли ва берилган функциялар бўлиб, улар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\psi_1(0)=\sum_{k=1}^{n}\alpha_k(0)\psi_1(x_k)+\varphi_1(0),\ \psi_1'(0)=\sum_{k=1}^{n}\beta_k(0)\psi_1(x_k)+\varphi_2(0).$$

2 нолокал масаланинг ечими $C^{2,1}(D)\bigcap C^{1,0}(\overline{D})$ функциялар синфида ўрганилади ва бунинг учун қуйидаги шартлар олинган:

Шарт 6. Барча $(x,t)\in D$ нуқталарда (19) тенгламанинг коэффициентлари учун $a(x,t)\in C^{1,0}(\overline{D})\cap C^{2,0}(D);\ b(x,t)\in C^{1}(\overline{D})\cap C^{1,1}(D);$

$$c(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{1,0}(D);\ d(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{0,1}(D);\ e(x,t)\in C(\overline{D})$$

шартлар ўринли ва бундан ташқари барча $(x,t)\in\overline{D}$ нуқтларда $d(x,t)<0$ бўлсин.

Шарт 7. Берилган функциялар ушбу $\varphi(x)\in C^1[0,l]\cap C^2(0,l);$ $\alpha_k(t),$ $\beta_k(t)\in C^1[0,T];$ $\psi_1(t),\psi_2(t)\in C^1[0,T];$ $f(x,t)\in C(\overline{D}),$ $k(x,t)\in C^1(\overline{D})$ шартларни қаноатлантирсин.

2 нолокал масаланинг бир қийматли ечимга эга бўлиши учун қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 5. Агар 6 ва 7 шартлар бажарилса, у холда 2 нолокал масаланинг D соҳадаги ечими мавжуд ва ягона бўлади.

3 ва 4 нолокал масалаларларнинг ечимлари хам худди шу каби кўрсатилади.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенглама учун интеграл шартли нолокал масалани ўрганишга бағишланган. Қаралаётган масала ечимининг мавжудлик ва ягоналиги Риман методи ёрдамида исботланган.

(19) тенглама учун қуйидаги масала ўрганилган: (19) тенгламанинг D соҳадаги, қуйидаги бошланғич

$$u(x,0)=\varphi(x),\quad 0\le x\le l, \tag{27}$$

ва ушбу интеграл шартни

$$u(0,t)=\beta(t)\int_0^l u(x,t)dx+\int_0^t \rho(t,\tau)u(l,\tau)d\tau+\psi_1(t),\qquad 0\le t\le T, \tag{28}$$

ва қуйидаги Нейман шартини

$$u_x(0,t)=\psi_2(t),\qquad 0\le t\le T, \tag{29}$$

қаноатлантирувчи $u(x,t)$ регуляр ечими топилсин. Бу ерда $\varphi(x),$ $\psi_1(t),$ $\psi_2(t),$ $\beta(t),$ $\rho(t,\tau)$ –берилган функциялар бўлиб, улар мос равишда $[0,l]$ ва $[0,T],$ $0\le\tau\le t$ кесмаларда узлуксиз. Бундан ташқари берилган функциялар учун қуйидаги шартлар ўринли

$$\varphi(0)=\beta(0)\int_0^l \varphi(x)dx+\psi_1(0),\qquad \varphi'(0)=\psi_2(0).$$

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 6. Барча $(x,t)\in D$ нуқталарда (19) тенгламанинг коэффициентлари учун $a(x,t)\in C^{1,0}(\overline{D})\cap C^{2,0}(D);$ $b(x,t)\in C^1(\overline{D})\cap C^{1,1}(D);$

$$c(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{1,0}(D);\ d(x,t)\in C(\overline{D})\cap C^{0,1}(D);\ e(x,t)\in C(\overline{D})$$

шартлар ўринли ва барча $(x,t)\in\overline{D}$ нуқтларда $d(x,t)<0$ бўлсин, берилган функциялар эса $\varphi(x)\in C^2[0,l];$ $\psi_1(t),$ $\psi_2(t)\in C^1[0,T];$ $\beta(t)\in C[0,T],$ $\rho(t,\tau)\in C^1([0,T]\times[0,t]),$ $f(x,t),$ $k(x,t)\in C(\overline{D}).$ шартларни қаноатлантирсин. У холда (17),(27)-(29) масаланинг $\overline{D}$ соҳадаги регуляр ечими мавжуд ва ягона бўлади.

Юқоридаги келтирилган 6 теорема Риман методи ёрдамида исботланган.

ХУЛОСА

Диссертация иши учинчи тартибли юкланган псевдопараболик тенгламалар учун нолокал чегаравий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган. Юқорида такидланган фикрларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, ўтказилган тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Учинчи тартибли юкланган чизиқли псевдопараболик тенгламалар учун қаралган Гурса масаласининг интеграл тенгламалар системаси орқали олинган аниқ ечими учун Риман функцияси аналоги қуриш имкониятини беради.

2. Учинчи тартибли юкланган тенгламаларини умумий ечимининг кўринишлари олинди. Олинган ечимнинг кўринишлари асосида учинчи татибли юкланган псевдопараболик тенглама учун А.М.Нахушев, Бицадзе–Самарский, Самарский–Ионкин типидаги нолокал масалаларни ечимларини таҳлил қилиш имконини беради.

3. Учинчи тартибли юкланган чизиқли псевдопараболик тенгламалар учун интеграл шартли нолокал масалаларнинг ечимини мавжудлиги исботланди.

4. Учинчи тартибли юкланган чизиқли псевдопараболик тенгламалар учун қўйилган бошланғич-чегаравий масалаларни ечимининг мавжудлик ва ягоналиги исботланди.

Юқорида кўрсатилган тадқиқот усуллари учинчи тартибли юкланган чизиқли псевдопараболик тенгламалар учун қўйилган юқоридаги масаларга тадбиқ қилинган ва бу тенгламалар учун қўйилган масалаларга Риман усули қўлланилган. Диссертацияда олинган натижалардан худди шундай тенгламаларга келадиган физик ва биологик жараёнларни математик моделини қуришда қўллаш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХОЛИКОВ ДИЛШОД КАМОЛОВИЧ

НЕЛОКАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ДЛЯ НАГРУЖЕННЫХ ПСЕВДОПАРАБОЛИЧЕСКИХ УРАВНЕНИЙ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА

01.01.02- дифференциальные уравнения и математическая физика

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссия при Кабинет Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/FM13.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Автореферат диссертация на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://ik-fizmat.nuu.uz и информационно-образовательном портале "Ziyonet" по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Зикиров Обиджан Солижанович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Дурдиев Дурдимурод Каландарович** доктор физико-математических наук, профессор
	Джамалов Сирожиддин Зухриддинович доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	**Самаркандский государственый университет**

Защита диссертации состоится « 4 » августа 2020 года в 11^00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана имена Мирзо Улугбека. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознокомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-02-24).

Автореферат диссертации разослан « 29 » июля 2020 года.

(протокол рассылки №____ от « ___ » _________2020 года).

А.Садуллаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д. ф.-м.н., академик

Н.К.Мамадалиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф. ф.-м.н. (PhD)

Ш.А.Алимов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д. ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике решение ряда многочисленных проблем, возникающих в результате научно-практических исследований, показывает, что математические модели многих процессов сводятся к исследованию нестандартных начально-краевых, прямых и обратных задач для нагруженных дифференциальных уравнений в частных производных второго и третьего порядков. Также нагруженные псевдопараболические уравнения третьего порядка являются хорошей математической моделью различных физических, экономических, и биологических процесссов. Исследование таких задач представляет интерес как с теоретической точки зрения, так и с точки зрения приложений в газовой динамике, гидродинамике, в частности это задачи долгосрочного прогнозирования и регулирования грунтовых вод, и во многих других областях знаний. Поэтому постановка и решение задач для нагруженных уравнений является одним из актуальных разделов современной теории дифференциальных уравнений.

В настоящее время в мире актуальным является изучение краевых задач с нелокальными условиями. Отметим, что одним из важных вопросов в теории уравнений математической физики является изучение разрешимости краевых задач для уравнений с частными производными третьего порядка с нагруженными слагаемыми. Сложность решения уравнений третьего и более высокого порядков, связанных с перечисленными выше моделями, заключается в отсутствии разработанных в достаточной мере аналитических методов. Исходя из этого, постановка и исследование задач для этих уравнений представляют приоритетное направление научных исследований.

В настоящее время в нашей республике особое внимание уделяется актуальным аспектам фундаментальных наук, имеющих прикладное значение. Перед наукой ставится задача сближения фундаментальных исследований с практикой. Проведение научных исследований по приоритетным направлениям математических наук на уровне международных стандартов по «функциональному анализу, теории динамических систем, дифференциальным уравнениям, математической физике, прикладной математике и математическому моделированию» являются одной из основных задач[2].

[2]Постановление Кабинет Министров Республика Узбекистан от 18 мая 2017 года 292 О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республика Узбекистан

Исследования данной диссертации в определенной степени служат осуществлению задач, указанных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП–3682 от 27 апреля 2018 года "О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов", №ПП–4358 от 17 июня 2019 года "О мерах по коренному совершенствованию системы подготовки востребованных квалифицированных кадров и развитию научного потенциала в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека в 2019-2023 годах" и № УП-5847 от 8 октября 2019 года “Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года” и других нормативно–правовых актов, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. "Математика, механика и информатика".

Степень изученности проблемы. В настоящее время ведутся ряд научно-исследовательские работы по нелокальным краевым задачам. Первые результаты по исследованию уравнений третьего порядка берут свое начало с фундаментальных работ Д.Адамара, опубликованных в 30-х годах XX века. Базой для новых исследований математической модели нестандартных процессов фильтрации в трещиновато–пористых средах послужили работы Г.И.Баренблатта, Ю.П.Желтова и И.Н.Кочина, в которых впервые эта математическая модель была сведена к линейному псевдо-параболическому уравнению. Это и обуславливает неиссякаемый интерес к уравнениям нечетного порядка. В последующих исследованиях рассматривались, наряду с проблемами разрешимости известных классических задач, новые краевые задачи, благодаря чему теория уравнений третьего и более высокого порядков вышла на центральное место в теории уравнений с частными производными. Большая заслуга в этом принадлежит А.В.Бицадзе, Т.Д.Джураеву, М.С.Салахитдинову, А.М.Нахушеву, В.Н.Врагову, А.И.Кожанову, В.И.Корзюк, М.О.Корпусову, А.Г.Свешникову и др.

